



asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

20-oktyabr 2022-yil 42 (988)



www.21asr.uz



@XXlasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan



# ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакалани қабул қилди.**

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда, экология, таълим, туризм йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ЕИ махсус вакили мамлакатимиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни янада чуқурлаштиришга қаратилган, ортага қайтмайдиган Янги Ўзбекистон ислохотлари дастури Европа Иттифоқида юксак баҳоланаётгани, унинг давом эттирилиши изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама муносабатлар кўп қиррали ва жадал тус олгани мамнуният билан таъкидланди.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилингани, Ўзбекистонга "GSP+" тизимининг бенефициари мақоми берилгани ҳамда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси дастлабки тарзда имзолангани бунинг далolatидир.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо 15 фоизга ўсди. Ўзбекистон махсуслот-

ларининг ЕИ мамлакатларига экспорти ҳажми 70 фоизга кўпайди. Ўзбекистондаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 1 мингдан ошди. Европалик инвесторлар иштирокида энергетика ва автомобилсозлик каби юқори технологик тармоқларда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Суҳбат чоғида барқарор тараққиётга, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга кўмаклашишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт, инновация, рақамлаштириш, "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш, инклюзив таълим устувор соҳалар сифатида белгиланди.

Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш ва унинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўза

# ПИЁДАЛАРНИ АЛДАЁТГАН СВЕТОФОР 4



# ФИРРОМ ГАРОВ ОРТИДА КИМЛАР ТУРИБДИ? 5

# АТАМАЛАР "АТАЛА" БЎЛМАСИН! 6



САЁҲАТНОМА

# ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН...



**Т**ожикистонда беш кунгина ижодий сафарда бўлиб қайтдим-у... ёзилажақ саёҳатномамга минг битта сарлавҳа кўйиб ўйладим. Бўлмади бирортаси. Улуғ шоир Абдулла Ориповнинг икки халқ юрагига битиб кетган ушбу башоратомуз

сатрларидан ўзга ҳайратли эътироф келмади:

*Дўсту қардошдир азалдан  
Ўзбегим тожик билан,  
Иккиси бир байт ғазалдан  
Ўзбегим тожик билан.*

Давоми 3-саҳифада. ►►

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



# "...АРЗ ЭТАЙИН ЭМДИ ЁЗИБ НОМАЛАР"

Транспорт вазири, "Uzbekistan airways" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Илҳом Маҳкамовга **ОЧИҚ ХАТ**

**Ассалому алайкум, Илҳом Рустамович!** Француз ёзувчиси ва таниқли жамоат арбоби Ромен Ролланни яхши биласиз. Нобель мукофоти билан тақдирланган ижодкорнинг XIX аср адоғида айтган гапи ҳозирги замон учун ҳам долзарб, назаримда: "Инсоннинг фикрини ўлдирганлар уч қарра қотириллар". Шу маънода, ижроия органлари раҳбарларига аталган шахсий фикрлар вақти-вақти билан ошқора янграб туриши тараққиётга кўмаклашишини ҳукумат аъзоси сифатида мендан ҳам яхшироқ ва чуқурроқ тушунасиз. Мабодо хат баёнида хатолоғ ё ноқулайлик сезсангиз, маъзур тутинг. Чунки куйидагиларни шунчаки оддий журналистнинг самимий мулоҳазалари – авиакомпания миқозининг жайдари эътирозлари тарзида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Президентимиз фармони билан тасдиқланиб, ҳаётга жорий этилаётган "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" еттита устувор йўналишни қамраб олган. Уларнинг барчаси "Инсон қадри учун" тамойили остида халқимизнинг

фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тadbirkorликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Устувор йўналишларнинг энг биринчиси "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқлараро давлат барпо этиш" деб номланганининг ўзбек қайси тармоқ бўлишидан қатъи назар, бирор янгиликни жорий этишда даставвал инсон манфаати ҳамма нарсадан устун эканини аниқлатади.

Шунинг учун бўлса керак, Тараққиёт стратегиясининг 36-мақсадидида сиз масъул бўлган соҳада барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона тизимни ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик қатновлар асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш вазифаси қўйилган.

Давоми 5-саҳифада. ►►

МУНОСАБАТ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИНТАҚА УЧУН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР



Ахтам ХАЙТОВ,  
О'зЛиДеР Сийёси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринбосари

Давлатимиз раҳбари 13 октябрь кун Остона шаҳридаги Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида халқаро ҳамкорлик, глобал иқтисодиётдаги муаммоларга ҳам тўхталди. Хусусан, дунёдаги инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилаётганига эътибор қаратди.

Умумий хавфсизлик манфаатлари, тараққиётимизга таъсиридан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари олти устувор йўналиш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Осиё қитъаси ва бутунжаҳон учун муҳим бўлган ўндан ортиқ таклиф ҳамда ташаббусларни илгари сурди.

Мазкур устувор йўналишлардан бири сифатида озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига саммит иштирокчилари эътиборини қаратди. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида қитъамизнинг кўп давлатлари истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланиши, шу боис озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини жуда ўткир ҳис қилишини таъкидлади. Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, очликдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшамоқда. Юртбошимиз мазкур ўткир муаммо ечимини юзасидан янги ёндашувларни баён этди.

Жумладан, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш яхлит тизимини яратиш масаласига эътибор қаратди.

Ушбу барча масалаларни ФАО шафелигида келгуси йили Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда муҳокама қилишни таклиф этди. Ушбу таклифлар инсоният учун ўта муҳим бўлган озиқ-овқат масаласида тўғри ва оқилона ечимлар ишлаб чиқилишини таъминлайди.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР



Ботирбек ТўРАЗОДА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 14 октябрь кун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида ўткир, долзарб ва аниқ таклифларни, амалий ташаббусларни илгари суриб, МДХ доирасидаги шериклики мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Зеро, МДХ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш майдони эмас, балки устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг фойдаланиш майдони ҳисобланади. Чунки мавжуд хатарларга қарамай, МДХ доирасида барча йўналишлар бўйича ижобий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари билан товар айланмаси ўтган йил якунига кўра 35 фоиз ошди, жорий йил бошидан буён эса яна учдан бир баробар ўсди. Машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргина сўнгги ойларида ўзида МДХ мамлакатларидаги шерикларимиз билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

Шунингдек, маданий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда фестиваллар, концертлар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ушбу саммит эса МДХ доирасидаги ҳамкорлик бўйича асосий фаолият ақунларини сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият бўлди.

Чунки озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигига қарши таҳдидлар хатарли даражага етиб, кўп давлатларда ижтимоий ларзалар ва беқарорлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Афсуски, Ҳамдўстлик макони ҳам бундан четда қолаётгани йўқ. Ушбу салбий тенденцияларнинг барчаси барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган умумий ҳаракатларимизга тўққонлик қилмоқда.

Бундай кенг қўламадаги муаммоларни фақатгина биргаликда ҳал этиш мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон МДХ майдонидан максимал даражада фойдаланиши – ташкилотнинг мавжуд салоҳиятини чуқур таҳлил қилиши ва кўп қиррали ҳамкорликнинг бутун имкониятларини ишга солиши лозим.

Бу борада Президентимиз умумий ҳаракатларни кўплаб асосий масалаларнинг ечимига қаратиш кераклигини таъкидлади.

Ишончимиз комилки, давлатимиз раҳбарининг МДХ саммитидаги нутқи кўплаб эзгу мақсадларни кўзлагани билан тарихий аҳамиятга эгадир. Илгари сурилган ташаббусларнинг амалиётга татбиқ этилиши эса МДХ маконида инқироздан кейинги даврда барқарор ривожланиш учун аъзо давлатларнинг улкан салоҳиятидан тўла фойдаланиш, сайё-ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради.

## ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМ

Кейинги йилларда давлат етакчиларининг глобал ва минтақавий масалалар бўйича учрашувлари иқтисодий, ижтимоий, хавфсизлик ва экологик муаммоларга ечим топиш, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОҲИЧК) Остона шаҳридаги навбатдаги саммити ҳам аини шу мақсадлар йўлидаги муҳим тадбир бўлди.



Шараф ҲТЕМИСОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи  
Кенгесидаги О'зЛиДеР фракцияси раҳбари

умумий сайё-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда минтақанинг ҳамкор мамлакатларини жадал кўкаламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини кўллаб-қувватлаш масалалари бўйича "Яшил Осиё" концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни таклиф этди.

Муҳтасар айтганда, бу каби ташаббусларнинг ташкилот фаолияти доирасида татбиқ этилиши бугун юзага келган янги геосийёсий воқелик даврида бутун Осиё қитъасининг барқарор ривожланишига замин яратди.

О'зЛиДеР ФРАКЦИЯСИДА

## АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида депутатлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи, билдирган ташаббус ва таклифлари мазмун-моҳиятига эътибор қаратишди.



Тоҳир АҲМАДАЛИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси  
аъзоси:

– Давлатимиз раҳбари дастлаб Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги мажлисида нутқ сўзлаб, бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган омилларни, жумладан, янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик, Осиё қитъасида Ўзаро боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш зарурлигига эътибор қаратди. Бундан ташқари, жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини илгари суриш, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, юқори технологиялар, сунъий интеллект, интернет тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқлигини долзарб муаммо сифатида кўтариб чиқди.

Президентимиз МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ҳам иштирок этиб, ўз нутқида нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДХ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларисиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини қайд этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ушбу икки кунлик таширлари давомида кўтарилган муҳим ташаббуслари якунлари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан сўнг депутатлар бир қатор муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга ўтишди. Жумладан, "Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

НАҲОТ – ТАЪЛИМДА

## “МИТТИ АКАДЕМИЯ” КАТТА АКАДЕМИЯГА ЗАМИН БЎЛАДИ



“Китоб туманида илк хусусий мактаб очилди...” Хушxabарнинг қаноти бўлади деганлари рости. Сабаби, кўпдан бери кутилаётгани бу янгилик. Ниҳоят мамлакатнинг чекка бир ҳудудида ажойиб илм даргоҳи иш бошлади.

Бу ишга юрак ютиб ташаббус кўрсатган инсон ҳам таълим-тарбия соҳасидан йироқ эмас. Асли касби ўқитувчи бўлган Дилдора Саидованинг кўп йиллик орузси амалга ошди. Эзгу ташаббусининг рўёбга чиқишида унга акаси Алишер Саидов ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берди, кўллаб-қувватлади.

Мактабнинг “Митти академия” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Боиси, ҳозирча 80 нафар 1–4-синф ўқувчилари учун замонавий тарзда жиҳозланган синфхоналар тайёрланди. Электрон доскалар ва компьютер хоналари ҳам таълим олувчиларга қулайлик, қўшимча имконият яратди. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, инглиз тили, менталь арифметика, шахмат тўғрақларида ҳам болажонлар машғулот билан банд бўлади. Яна бир қулай жиҳати, ўқувчиларга уч маҳал овқат берилади. Асосийси, мактабда таълим-тарбия бериш учун энг малакали ўқитувчилар саралаб олинган. Ўқиш пуллик шаклда.

– Янги Ўзбекистонда бундай мактабларга эҳтиёж ошиб бор-

Дилором ФАЙЗИЕВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси  
аъзоси:



– Қонун лойиҳаси гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва айланмаси тартибини, тегишли равишда ипотекани қайта молиялаш жараёнини соддалаштириш ҳамда гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бориш орқали расмийлаштириш имкониятини яратиш, шунингдек, электрон гаров хати концепциясини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу эса маъмурий харажатларни камайтириш ва вақтни тежашга шароит яратди. Аини пайтда гаров хатидан фойдаланиш имкониятини оширади. Муҳокамалар давомида ушбу лойиҳа юзасидан таклифлар бердик ва уни қўллаб-қувватладик.

Фракция йиғилишида “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастур доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Ҳанемиёвнинг жавоби ҳам муҳокама қилинди.

Шу кунги фракция фаолиятига оид бошқа муҳим масалалар юзасидан ҳам муҳокамалар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири

моқда. Шу маънода ўз номига муносив тарзда, яъни азалдан маърифат маскани бўлган Китоб туманида бундай муассасанинг очилишини табиий ҳол деб қабул қилиш керак, — дейди Китоб тумани ҳокими Уктам Пардаев. — Яна бир эътиборли томони, биз билан IT маркази очиб режаси юзасидан ҳамкорлик қилиш учун АҚШнинг Техас штатидан таклиф этилган мутахассис Кевин Коймнинг ҳам бугунги тантанали маросимда иштирок этаётгани қувончлидир. Насиб этса, бу мактабимиз ортидан яна бошқа хусусий мактаблар ҳам иш бошлайди.

Ушбу янгиликдан туман аҳолиси ҳам фойдаланиши бўлди дейиш мумкин. Эътиборлиси, 7 та иш ўрни ташкил этган, инновацион янгиликлар жорий этишда фаол иштирок этаётган бун-

дай ташаббускор инсонлар шаънига ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди.

“Митти академия”нинг очилишига бағишланган ажойиб тадбирда илк қалдирғочлар ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиб, кўнгилларни шод этишди.

Яшин ТўРАЕВ,  
Қаҳрамон ОҚИЛОВ олган суратлар.

**Ш**у йилнинг баҳори, тўғрироғи, 7 май куни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тожикистон Журналистлар иттифоқи ўртасида журналистика соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув-меморандум имзоланганида икки тарафдаги ҳамкасбларимнинг суюнгани рост. Нега? Сабаби, тўрт йилча аввал икки қўшни давлат раҳбарлари учрашиб, давлатлараро алоқаларни янги стратегик даражага олиб чиқиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар белгилаб олган эди. Тасаввур қилинг, икки жондош халқни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар чамбарчас боғлаб туради. Лекин...

## ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН...

Ҳеч эсимдан чиқмайди: 2018 йил август ойи эди. Тожикистон Республикаси Президенти Тошкентга ташриф буюрди. Қачонки, икки ўртадаги жуда узоқ, яъни 17 йиллик "муз"лар эриганидан сўнггина. Албатта, юртимизда истиқлолнинг янги, ўзига хос насимлари эса бошлагач, иқтидорга келган Шавкат Мирзиёев биринчи навбатда яқин қўшнилари, жумладан, Тожикистон билан икки ўртадаги "қатта таънаффус"ни бошқача, самимий ўзганга буриб юборди. Ва, табиийки, бу қутилмаган инқилобий муносабатдан, энг аввало, икки қондош ва диндош халқ вакилларининг боши осмонга етди.

Эзилганини сўраманг... Бундай кўргиликларнинг адоғи йўқ эди. Хайриятки, бугун у кунлар энди эртакка айланди. Биз журналистларнинг ҳам қанча йиллар дардимиз ичимизда бўлди. Қанча таниш-қадрдонларимиз билан узилиб кетдик. Баъзан ижтимоий тармоқларда ёзишиб қолса-да, ғамгин хотираларимизни пинҳон тутардик. Неча минг йиллардан бери девор-дар-



Орадан кўп вақт ўтмади. Узоқ йиллардан бери тақа-тақ ёпилган бир неча чегара пост-пунктлари очилишига изн берилди. Ҳали-ҳали кўз олдидан ушбу ҳаяжонли ва маъзун манзара нари кетмайди: Панжакент билан Самарқандни боғлаб тургувчи "Жартепа" пости очилиб, икки тарафдан бир-бирларига қараб талпинган одамларни кузатиб... беихтиёр кўзларим ёшга тўлган эди. Не ажабки, неча ўн йиллар давомида қариндош-уруғ ёки қуда-андаларни қўяверинг, ҳатто ака-укани, опа-сингилни кўришга ружхат берилмади. Ишонмасиз, телевидениеда ишлаётган Абдурауф Расулов деган шогирдим тақдир тақозоси билан фуқаролик ололмади, пропискисиз қийналиб юргани етмагандек, Тожикистонда яшаётган падари бузруквори дунёдан ўтганида чегарадан йиғлаб-йиғлаб қайтиб келганди. Ёки асли Тожикистоннинг Гончи ноҳиясида туғилган ва кейинчалик Тошкентга келиб, нашриёт ва Бекободдаги мактабларда ишлаган истеъдодли шоир, раҳматли Ғоибназар Эрназар муборак Ҳаж зиёратига отланиб, маҳалла-қўйдагилари билан хайр-хўшлашиб аэропортга борганида... "Фуқаролигиниз йўқ экан-ку", деб ортга қайтаришганида қанчалар



миён қўшни-ҳамсоя бўлиб яшаб келган, икки тилда сўзлашувчи битта халқ фарзандлари сунъий равишда бир-бирдан узоқлаштирилди. Дарду аламларимиздан ҳам узунроқ қилиб тўсилди чегаралардаги симтўру те-

**Навоий ва Жомий, Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний, Фафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали, Шерали Жўраев ва Жўрабек Муродов... Бундай қадрдон инсонлар ўртасидаги борди-келди, салом-алик, дўсту биродарликни ҳар қанча қадрласак арзийди-ку! Эт билан тирноқдек бирлашиб кетган икки халқни айро тутуш қайси ақлга тўғри келади, айтинг!**



мир-бетонлар. Атроф-жавонбининг, эсласак, юраклар орқага тортиб кетади ҳатто, миналаштирилгани-чи, қанчалаб бегуноҳ инсонлар қурбон бўлиб кетди... Булар энди олис тарихда қолгани рост бўлсин. Фалакнинг гардишини қаранг, икки давлат халқлари ўртасида узилиб қолаётган оға-инилик ришталари жуда қисқа муддат оралиғида яна мустақкам боғланди. Шу маънода 12-16 октябрь кунлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тожикистон Журналистлари иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган медиафорум доирасида бир гуруҳ қаламашларнинг қўшни давлатга ижодий сафари ана шу гўзал дўстликнинг ўзига хос амалий намунаси бўлди, десам муболаға қилмайман.

### ДИЙДОР ШИРИН ЭКАН...

...12 октябрь, чоршанба тонгида Тошкент вилоятининг "Ойбек" чегара пости орқали Тожикистонга йўл олдик. Олтин фасл бўлмиш кузда саёхатга чиқиш ғоят мароқли ва хузурбахш. Гуруҳимиз аъзоларини уюшмани раҳбари, серғайрат ижодкор Олимжон Ҳасанов саволга тутди: "Қани, орамызда аввал ҳам бу давлатга бориб келганлар борми?" Ҳеч кимдан садо чиқмади. Бир маҳал божхоначи йигитлар билан қазил-хузул қилиб гаплашаётган отахон журналист, узоқ йиллар нуфузли ОАВларда хизмат қилган Раҳимжон Султонов қўл кўтарди: "Мана, биз-да, дунёнинг деярли бирор бурчаги қолмагандир-ов мен бормаган. Жумладан Душанбею бошқа жойларини ҳам кўрганмиз..."

Ватандан бир қадам ташқарига чиқсангиз, тамом, сиз бошқа давлат ҳудудига кирган бўласиз. Ҳозирнинг йигитлар шодмонлик билан кузатиб қўйишди...

Чегарадан ўтдик ва қўшни республикага қадам қўйдик. Барибир меҳмонга бораётган бўлса-да, кўнгилда хавотир бор эди. Негаки, тили ўзга халқ вакиллари қандай қутиб оларкан? Таржимон бўлмаса. Йўқ, Тожикистон ҳудудига ўтиш жойидаги йигитчанинг "Ассалому алайкум, хуш омадед!" деган чиройли лутфини эшитибок севиндик. У томондан эса кўзойнакли бир йигитнинг "Олимжон аҳо, биродари азиз!" дея хайқиргани эшитилди...

"Фотехобод" чегара пунктида паспортларимизга кириш муҳри урилишини интиқ кутаётган бир гуруҳ кишилар аввалги қадрдонлардек кучоқлашиб кўришишди. Танишиб олдик.

Олимжон чегарачилар ёнгинасида ҳаяжон ила интиқ қутиб турган инсонни таништирди бизларга: **"Зианатullo Исмоилозода – Тожикистон жумҳурияти Журналистлари иттифоқи раиси, менинг энг яқин дўстим!"**

Зианатullo ҳам ҳамроҳларининг исм-фамилияларини айтди. Суғд вилояти ОАВ вакиллари экан. Йўл-йўлакка ярим ўзбекча, ярим тожикча гаплашиб кетдик...

### МАТБУОТЧИЛАР САРОЙИДА

Қадим Хўжанд марказидаги "Суғдидён" меҳмонхонасига жойлашдик. Нафас ростлаб олингач, бир пайла чой баҳона энди гуруҳимизни қизиётувди. Зианатullo бўлса вақтни қизғонди. Олимжон гуруҳ оқсоқоли 72 яшар Раҳимжон акага қани дуо беринг, ку-

тиб қолишди, дегандек ишора қилади. Меҳмонлар бизни пештоқига "Кохиматбуот" (Матбуот қасри ёки саройи булар экан ўзбекчада) деб ёзилган 13 қаватли бинога чорлашди. Ҳашаматли залга кирдик. Юз чоғли ҳамкасбларимиз иштирок этаётган тадбирни Зианатullo Исмоилозода бошлаб берди. Босма нашрлар ҳамда радио-телевидение, интернет журналистикаси вакилларининг қўшни давлатдаги илк медиафорумига қизиқиш катталигига урғу берар экан, даврабоши дастлаб бизларни таништириш учун Олимжон Ҳасановга юзланди. У ҳам гапни чўзиб ўтирмасдан, ўн кишини қисқанина санаб ўтди-да, сўзни Ўзбекистонда қарий бир асрдан бери чоп этиб келинаётган **"Овози тожик" газетаси бош муҳаррири Шерпўлат Вакилов**га берди.

Камтарин ва хокисор, куйинчак ҳамкасбимиз ортиқча мақтовларсиз, энг аввало, ўз она Ватанида рўй бераётган тарихий ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар ҳақида гапирди. Сўнг мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган салкам икки миллионлик нуфусга эга тожик миллатига мансуб инсонлар ҳаёти ва яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ва ўз навбатида, бугунги кун журналистикаси олдида турган долзарб вазифалар, муаммолар хусусида тўхтади.

Тегиримон навбати билан деганларидек, Тожикистонда туғилиб, яшаб, ижоди билан икки мамлакатда ҳам баб-баравар қадр толган (негаки, ўтаётган йилда Ўзбекистонда таъсис этилган "Олтин қалам" халқаро танлови ғолиби бўлган) **таниқли журналист Ҳасанов Усмон** ҳам самимий дил изҳорларини билдириб, бундай дийдорлашувни тожикistonлик қаламашлар ҳам узоқ вақтдан бери орзиқиб кутаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг биз шу бинода фаолият кўрсатаётган қатор ОАВ ижодкорлари билан юзма-юз мулоқотда бўлдик. Табиийки, бизни қизиқтирган саволлар кўп эди. Сўз эркинлиги, танқидга муносабат, журналистларнинг қадри ва нуфузи, ижтимоий ҳимояси каби муҳим масалаларга баҳоли қудрат жавоб олдик.

Айниқса, каминанга ўхшаб босма нашрларда ишлаб, соҳада ечимсиз қолаётган баъзи муаммоларга улар қандай бардош бераётганига ҳам қизиқдик. Биргина Суғд вилояти миқёсидаги ОАВлар учун ажратилган Матбуотчилар саройидаги шарт-шароитлар ибратли эди-да. Ижара нархлари ҳам осмонда эмас экан. Давлат нашрлари учун катта имтиёзлар ҳам борлигини қистириб ўтишди меҳмонлар гап орасида.

– Тўғриси, бир журналист сифатида менинг жуда ҳавасим келди. Қурапсизми, ҳамон турли бурчакларда ижарама-ижара фаолият кўрсатиб келаётган биздаги неча юзлаб тахририятлар учун бу каби ибратли ишлар жиддий сабоқ вазиёрасини ўтайди, – деди **"Хуррият" газетаси бош муҳаррири Абдурауф Жумакулов**.

Хўжанд шаҳрига саёхатимиз ҳудуддаги "Суғд" иқтисодий зонаси ва Суғд вилоят тарих музейида давом этди. Сўнгра бугунги кунда замонавий меъморилик аъёналари асосида барпо этилган Гулистон шаҳри ва унинг ёнгинасидаги "Тожик денгизи" (бир замонлар собиқ иттифоқдан жалб этилган ҳашарчилар кўмағида қурилган ўша машҳур Қайроққум сув омборининг янги номи) бетакор манзаралари бизни ҳайратга солди.

Навбатдаги манзилимиз машҳур қизқинчимиз раҳматли Ҳожибой Тожибовнинг муносиб шогирди Аваз Охун тасвирлаб берган ҳайбатли Помир тоғлари бағрида жойлашган Шаҳристон ва Варзоб доvonлари ортдаги эртаклар шаҳри Душанбега йўл оламиз.

(Давоми келгуси сонда.)

**Норқобил ЖАЛИЛ,**  
**"XXI asr" максус муҳбири**

Тошкент-Хўжанд-Душанбе



"ЯШИЛ МАКОН"

# КЎЧАТ ЭКИШ ҲАМ МАДАНИЯТ

## ҚАЧОНКИ УРФ-ОДАТГА АЙЛАНСАГИНА, МУНОСАБАТ ЎЗГАРАДИ

Янги Ўзбекистонда яшил худудларни кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳеч кимга сир эмас. Натижада қип-қизил яйдоқ дала бўлиб ётган кенгликлар ҳам яшилликка буркана-ёттир. Биргина Қашқадарёнинг чўл туманларидаги ўзгаришлар сўзимиз исботи бўлиши мумкин. Илгари ташландик маскан бўлган Кўнғиртоққа бугун борсангиз, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари яшнаётганининг гувоҳи бўласиз. Уларни асраб қолиш экишдан да мазсулиятлироқ иш, албатта.



кислородга бой қалқонини яратиш вазифаси қўйилган эди, – дейди "Шўртангазкимё мажмуаси" директори, O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шўҳрат Асланов. – Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида "Шўртан яшил макон" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Иккита йирик корхонани сув билан таъминлаш учун яратилган сунъий қўл тепасидаги 120 гектар майдонга 70 минг тул мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Сунъий тежовчи технологиялар ўрнатилди. Уста боғбонлар тажрибасидан унумли фойдаланилди. 20 гектарлик майдонда павловния, годжи плантациялари ташкил этилиб, стивия доривор ўсимлиги ва зафарон этиштириш бошлаб юборилди. Тутзор ва узумзорларни кўпайтириш ишлари ҳам бошланди. Айни пайтда 100 минг тул ток кўчати этиштирилди. Келгуси баҳорда тоқзор барпо этамиз. Биз аҳоли ўртасида чор-атроф мусофоллигини асраш ўз қўлимизда экани, катта бир лойиҳани амалга ошириш мумкин бўлиши мумкин, аммо ўз хонадонидан 4 донга кўчат экиш ҳар бир фуқаронинг қўлидан келишини алоҳида таъкидлаяпмиз.

Вилоятнинг Яққаб, Шахрисабз, Китоб туманларида ташкил этилган илмий-амалий семинарларда дарахтларни экиш ва парвартиш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, илмий ёндашувлар асосида худудларнинг туپроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлиллар асосида кўчатлар ўтказиш, кўчатхоналар сонини кўпайтириш, худудларда "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари"ни барпо этиш, дарахтларни суғориш тизимини қайта қўриб чиқиш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов воҳага навбатдаги хизмат сафари чоғида кўкаламзорлаштириш масалаларини алоҳида ўрганди. Асосий эътибор Президентимизнинг 2022 йил 6 октябрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштиришнинг молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига қаратилди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишларнинг нечоғли самара бераётгани атрофича таҳлил қилинди.

Кўкдала туманидаги "Галабек" фермер хўжалигида ташкил этилган ўқув-амалий семинари "Дала маданияти – фермер даромади" мавзусига бағишланди. Унда қарорга асосан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот кўпайтириш эвазига аҳоли даромадини ошириш, қишлоқ хўжалигига моддий ресурсларни узлуксиз етказиб бериш ҳамда кафолатли харид тизимини янада яхшилаш мақсадида амалга

оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

– Давлатимиз раҳбари қароридан озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириладиган экин майдонлари камидан 300 минг гектарга етказилиши кўрсатилган, – деди Ақтам Хаитов. – Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча 300 миллиард сўм бюджет сусдасини йиллик 10 фоиз ставкада, қишлоқ хўжалиги корхоналарига – мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар этиштиришга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш, маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга – этиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилмоқда. Дала меҳнатқашлари учун бундай ғамхўрлик мамлакатимиз тарихида илк бора кўрсатилмоқда.

Навбатдаги мулоқот Чироқчи туманидаги "Мавлонов Меҳроҳ" фермер хўжалиги далагарига кўчди. Унда туман секторлари раҳбарлари, O'zLiDePдан маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок этишди. Анжуманда мамлакатимизда эълон қилинган "Долзарб 40 кунлик" доирасидаги ишлар сарҳисоб қилинди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда дарахт кўчатларини худуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб танлаш, кўпроқ мевали боғлар ҳосил қилиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини жадаллаштириш юзасидан масъулларга илмий-амалий таъсиялар берилди.

Учрашувда таъкидланганидек, йил якунига қадар 75 миллион донга, келгуси баҳор ойларига 125 миллион донга мевали ва манзарали кўчатлар экиш вазифаси қўйилган. Дунё тамаддунида кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш инсоният учун энг хайрли ишлар саналган ва шундай бўлиб қолади.

– "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида бизнинг зиммамизга фузор чўлларига жойлашган нефть-газ кластерининг

ЯНГИ ДАВР ТАДБИРКОРЛАРИ

# ШАҲДИ БАЛАНД ШАҲБОЗНИНГ

Сўнгги йилларда тадбиркорликка қаратилаётган улкан эътибор, жамиятда ишбилармонлар қатламининг тугган мавқеи юксалиб, эл томонидан ардоқланаётгани сабаб "Тадбиркор бўламан", деган ёшлар сафи кенгайиб борапти.

Жиззах политехника институтининг битирувчи босқич талабаси, O'zLiDeP вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Шаҳбоз Мелиев ана шундайлардан бири. У тадбиркорлар оиласида туғилган. Болалигиданоқ отаси – Шароф Рашидов туманидаги "AZIYA OIL INDUSTRY" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамшид Одиловнинг ёнида юриб, ишбилармонликнинг илк сабоқларини олди.

Уч йил аввал, яъни 18 ёшида мазкур МЧЖда иш бошқарувчилик қила бошлади. Хорижий сафарларда бўлди. Четдан инвестициялар киритиш, замонавий технологиялар олиб келиш, уларни божхона орқали расмийлаштириш, ўрнатиш ва ишга тушириш жараёнларида бевосита қатнашди.

– Бўм-бўш майдонда янги корхона очилиши, унда ўнлаб янги иш ўринлари яратилишида ҳам ҳиссанг борлиги кишига улкан қувонч бағишлар экан, – дейди Шаҳбоз. – Тадбиркорликдан йилроқ одамга барча соҳа ўз эгаларини топгандек, бозорлар эгаллангандек туюлади. Аслида ҳали замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда кўплаб бизнес-режаларни ишга туширса бўлади. Бундан барча манфаатдор. Авваламбор, рақобат юзга келади. Рақобат бор жойда эса сифатни оширишга, таннархни туширишга ҳаракат



бошланади. Истеъмолчиларда танлаш имконияти пайдо бўлади. Янги иш ўринлари яратилади. Шаҳбознинг мустақил бизнес бошлаш ниятини оила аъзолари ҳам қўллаб-қувватлашди. Маслаҳат бериш билан чекланмасдан, сармоя-

дан ҳам кўмаклашишди. Қолаверса, ёш тадбиркор Миллий банкнинг вилоят филиалидан 212 500 АҚШ доллари микдорига кредит олди. Хитойдан замонавий технологиялар келтирди. Саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили декабрь ойида газсиз, маъданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада 8 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Ҳозир кунига 16 минг донга қадокланган сув ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳбоз Мелиевнинг галдаги режалари ҳам улкан. Келгуси беш йилда янги линиялар олиб келиб ўрнатиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва иш ўринлари сонини 100 тага етказиш унинг асосий мақсадларидан бири.

Халқимизда "От изини той босар", деган гап бор. Оила аъзолари изидан боришга қарор қилган ёш тадбиркор фаолияти билан танишар эканмиз, юртимизда билимли, замонавий дунёқарашга эга, энг муҳими, эл юрт манфаатлари учун жон куйдирадиган янги тадбиркорлар этишиб келаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
"XXI asr" мухбири

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН



## ПИЁДАЛАРНИ АЛДАЁТГАН СВЕТОФОР ҲОЗИРЧА МУАММО ҲАЛ БЎЛМАДИ, ЛЕКИН ҲАРАКАТ БОШЛАНДИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ... "ҲАЁТ ҚОНУНИ"ГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН БИР ПАЙТДА БАЪЗАН ШУНДАЙ НОХУШ ҲОЛАТЛАР ҲАМ РЎЙ БЕРЯПТИКИ, ЙТҲДА ПИЁДА ҲАМ ҲАЙДОВЧИЛАР ЭМАС, БАЛКИ ЧОРРАҲАЛАРДА ЎРНАТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ВА КЕРАКЛИ ДАСТУРГА АСОСАН ИШЛАЙДИГАН СВЕТОФОРЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ САБАБ БЎЛМОҚДА.

Ана шундай хавф туғдирувчи жойлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани "Феруза" мавзеси Мирзо Улуғбек шоҳқўчаси билан Феруза кўчалари кесишувидаги чорраҳадир. Трамвай йўли олиб ташланганидан сўнг ўрнатилган светофор нотўғри ишлаб келаётгани хусусида фуқаролар тегишли идораларга неча марта мурожаат қилишган. Лекин ҳеч қандай амалий чора кўрилмаган.

Яқинда бир гуруҳ фуқаролар, яъни сайловчилар билан ўтказилган учрашувда ана шу жиддий муаммо ўртага ташланди. Айтилган худудга мутахассислар билан бориб, ҳолатни ўрганиб кўрсак, ростданам светофорларнинг ишлаш вақт оралиғи нотўғри дастурланган экан. Яъни, пиёдалар ҳаракатланиши учун яшил чироқ ёнса, тўғридаги автомобилларга ҳам ҳам йўл очилаётгани. Оқибатда Феруза кўчасидан Мирзо Улуғбек шоҳқўчасига ("Чимган" чорраҳасига томон) буриладиган транспорт воситалари пиёдаларни умуман ўтказмаётганига гувоҳ бўлдик.



Бу ҳам камлик қилганидек, светофорнинг пиёдалар учун тескари томонга ўгирилгани жуда ноқулай ҳолатни туғдираётгани. Хавфли тарафи, чагга бурилаган машина ҳайдовчилари пиёдаларга қайси чироқ ёнганини кўрмаслигидир. Айнан шу светофорнинг нотўғри ишлаши сабабли мазкур чорраҳада тез-тез ЙТҲлар содир бўлиб турар экан. Муаммога зудлик билан чора топиш зарурлиги боис иккита аниқ таклиф билан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази давлат муассасаси раҳбари номига депутатлик сўрови юбордим.

Сўровимга асосан чорраҳадаги светофорнинг ишлаш тартибини ўрганиш мақсадида тегишли маҳкамалар мутахассислари билан бирга ўша жойга бордик. Муаммони ижобий ҳал этиш учун қўшимча светофор ўрнатиш лозимлиги бўйича таклиф берилгач, қонуний тартибда ўлчов ва схема чизиш ишлари амалга оширилди. Орадан кўп вақт ўтмай, янги йўл чироғи ўрнатилди. Лекин яна фуқаролар светофор такрорловчи дублёр вазифасини ўтаётганидан шикоят қилишди.

Тағин мутасаддиларга юзландим. Улар яна текшириб кўришди ва светофорларни тўғри дастурлаш бўйича аниқ ечим топилмаганини аниқлашди. Хатарли томони, пиёдалар йўлнинг ўрта қисмида кутиб туришлари, майдоннинг етарли эмаслиги натижасида ҳатто йўловчилар тирбандлиги ҳам юзга келса бўлади. Бу муаммога ҳам ечим топиш бўйича мурожаат этишга мажбур бўлдим. Афсуски, бу таклифлар инobatга олинмади, айрим сабаблар рўқач қилинди. Қўл қовуштириб ўтирмадим ва яна Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузурдаги махсус эксплуатация-монтаж бошқармаси бошлиғи билан мазкур муаммо ечимини топиш бўйича маслаҳатлашдик. Орадан кўп вақт ўтмади. Масъуллар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 мартдаги 111-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг 140 та чорраҳасида янги лойиҳа асосида реконструкция ишлари ишлаб чиқилаётгани боис мазкур чорраҳада ҳам янги лойиҳа асосида реконструкция ишлари амалга оширилиб, пиёдалар учун йўлақлар ташкил этилиши режага киритилганини маълум қилишди. Уйлайманки, шу билан мазкур муаммонинг аниқ ва тўғри ечими топилди.

С. КУМУШЕВ,  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Мирзо Улуғбек тумани  
кенгаши депутати



## АТАМАЛАР “АТАЛА” БЎЛМАСИН!

**БИР ПАЙЛАР ЗАМОНА ЗАЙЛИ БИЛАН “ИНТЕРНАЦИОНАЛ” + “ЛИК” КАБИ ЎЗАГИ У ЁҚДАН, ҚЎШИМЧАСИ ЭСА БУ ЁҚДАН БЎЛГАН СЎЗЛАР ЛУҒАТИМИЗДА ТИҚИЛИБ КЕТГАН ЭДИ. 1990 ЙИЛЛАР БОШИДА – ЎЗБЕК ТИЛИ ЭНДИГИНА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ ОЛГАН ЧОҒДА АКСАР ОДАМЛАР РУСЧА Ё РУС ТИЛИ ОРҚАЛИ КИРИБ КЕЛГАН ҲАР БИР АТАМАНИ, ТОПСА – ЎЗБЕКЧА, ТОП-МАСА – АРАБЧАЮ ФОРСЧА СЎЗЛАР БИЛАН АЛМАШТИРИБ, “ЎЗБЕКЧА” ЛАШТИРИШГА ТУШДИ, ҲАММА СЎЗ ВА АТАМА ЯСАШГА ИШҚИВОЗ БЎЛДИ.**

Илгари “вазир” деганда эртактлардаги подшонинг ўнг ё чапиди ўтирадиган саллали одамни тушунган бўлсак, энди “министр” ўрнини босди. Ғалати-ғалати янги сўзлар уйлаб топилди. Булардан, айниқса, “овознигор” (радио) ва “ойнасўз” (киоск) деганлари ажабтовур эди.

Майли-да, ишқилиб, шу тарзда ҳам ўзбек тили анча-мунча бойиб қолди. Бугун “муҳандис” ё “кутубхона”, “кимё” дегангиз, ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Ахир, атиги қирқ йилча бурун ҳам булар ўзбек тилининг ўлимга ҳужм қилинган, луғатларда “арх.” ёки “эск.” белгиси кўйилиб, чормихга тортилган сўзлари эди-ку!

Аммо ҳозир тилнинг қувватини кетказадиган, сўздай мўътабар нарсани ичи бўш шақилдоққа айлантирадиган янги иллат пайдо бўлди. Бу бир сўзга икки-уч маънони юклар ё аксинча: бир неча тушунчани битта сўзда ифодалашда кўринади.

“Станция” ана шундай сўзлардан бири. Ростдан ҳам, нима деб берса бўлади уни? Биров “шоҳобча” дейишни тақлиф қилди, бошқаси “тармоқ” деди, “автостанция”ни кўзда тутганлар эса “бекат”ни ёқлади.

Асли лотинчада “станция” тўхташ, тўхтаб туриш дегани. Истилоҳ сифатида бизга русчадан ўтган бу калиманинг қўлланishi доираси кенг – автостанция, телефон станцияси, радиостанция, темир йўл станцияси, санэпидстанция, ўсимликларни муҳофаза қилиш станцияси, метеорология станцияси, товар станцияси, тоғ-иклим станцияси, қон қуйиш станцияси, таъминот станцияси, ёш техниклар (ёш табиатшунослар) станцияси, метро станцияси, насос станцияси, ёнилғи қуйиш станцияси, машина станцияси, таъмирлаш станцияси ва ҳаказо.

Ҳар ким ўз фикрини ўтказишга интилади. Ишбоши қилиб тайинланган Атамақумда эса қатъий бир фикрни кесиб айтгулик савия ҳам, мавқе ҳам йўқ эди. Шунинг касрига аввалги “министр”лар дастлаб “нозир”, кейин “вазир” бўлишди. “Район” эса “ноҳия”, кейинроқ “туман” деб, “газета” – “рўзнома”, “куннома” ва яна “газета” деб, “журнал” эса “ойбитик”, “ойнома”, “мажалла”, сўнг тағин “журнал” деб аталди ва...

“Станция” масаласида ҳар ким ўз фикрида қолди. Бугунги кунда “шоҳобча”, “тармоқ”, “бекат” (шоҳбекат) ва... яна қайтиб “станция” деб турфа тарзда қўлланяпти.

“Хўш, тўрт хил номланса, нима қилпти?” деб сўраши мумкин тил масаласидан йироқроқ одамлар. Пичоқ ҳам, қайчи ҳам кесувчи асбоб, аммо уларни аралаштириш мумкин эмас. Демак, “станция” кабилар бо-

расида аниқ бир хиллик керак, йўқса, тушунчалар аро бошбошдоқлик юзага келиб, давлат тилида иш юритишга тўсиқ бўлади ва охири-оқибат, она тилимизнинг эндиги тарққиётига халал беради. Станция – станциядир, ҳеч қандай шохобча тармоқчалар унинг маъносини ифода қилмайди. Масалан, Марказий телеграф-телефон станцияси. У ниманинг шохобчасию ниманинг тармоғи?

Бунинг моддий зарари-чи? Бирор вазирлик номида битта сўз ўзгарса, шу вазирликнинг марказий идораси олдидаги мрамар тахтага зарҳал билан ёзилган одам бўйи пешлавахдан тортиб, унинг барча вилоят ва туманлардаги шўъбаларида жами муҳрлар, бланка, пешлавах ва бошқа ҳужжатлар янгиланади. Бунинг учун шунча идораю ташкилотнинг низомилари ҳам ўзгартирилиши шарт – қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланади. Давлатнинг, яъни халқнинг бошқа эҳтиёжга яраши мумкин бўлган миллион-миллион сўм ақчаси ана шу биргина хатони бартараф этишга сарф бўлади. Атамачилик ишида тўғри йўл тутилса, боғия маблағни бирор мактаб қуришга, ё нафақа пулини сал оширишга ёнқи автобус йўлқирасини бироз бўлса-да, қамайтиришга асқотиб қоларди. Бу битта сўз устидаги ғал-ва...

Тилимиз, айниқса, термин ва атамалар борасида орқага кетаётганга ўхшайди. Чунки атамачиликни бошқарадиган марказ йўқ, бори ҳам ёпиб юборилган. Шунинг касрига, ҳар ким “атамашунос” бўлиб кетди. Масалан, ҳар бир туман электр тармоқлари идорасига кирсангиз, қатор турган ойнабанд киосклар тепасига “ТАСВИРЧИ” деб ёзиб қўйилганига кўзингиз тушади. Аммо... бу жойда ўтирадиган ходимлар нимани тасвирлайди? Разм солсак, “ОПЕРАТОР”ни бирор аканг қарагай тилбузар “кинооператор” билан бир хил деб ўйлаб, уни ҳам “тасвирчи”га айлантириб юборган кўринади. Холбуки, бу “тасвирчи”лар қарзингизни ҳисоблаб беради, сурат олмади.

Тошкентнинг Чилонзорда бир маҳқама тепасида “ТАРЖИМАЛАР” деган ёзуви кўрдим. Бироқ бу жойда ҳеч нарсани таржима қилишмас, балки пулингизни бошқа жойга ўтказиб беришар экан. Русча у ҳам “перевод”-да. Таржимани... бошқарилган таржима қилишга тўғри келади.

Ажабтовур тарзда ўгирилаётган сўзлардан яна бири – “операция”, ҳозир “амалиёт” деб юритилляпти. Мен “операция” қандай қилиб “амалиёт” бўлиб қолганини яхши эсламан. Ушанда Марказий банк ўз соҳасига оид атамаларни давлат тилига ўтказишга ёрдам беришни сўраб, Тил ва адабиёт институтининг таржимонлар гуруҳига мурожаат қилди.

Ўзбекчалаштирилиши сўралган тушунчалардан бири Марказий банкнинг “Операционное управление”си экан. Агар буни жўнгина қилиб “Операция бошқармаси” десак, аёнки, бундай “таржима”нинг бировга кераги бўлмайди. Банк иши билан танишиб чиқишга тўғри келди. Маълум бўлишича, боғия бошқарма банкнинг юраги – жами амалий ишларни бажарувчи, ҳисоб-китобларни олиб борувчи муассаса экан. Мен уни “Амалиёт бошқармаси” деб ўгириб тақдим этдим. Бошқа атамалар қатори бу янгича номланиш ҳам қабул қилинди ва қўлланяпти. Аммо бу дегани қаерда “операция” сўзи учраса, дарров уни “амалиёт” билан алмаштириш кераклигини билдирмайди (чунки, агар “амалиёт”ни қайтариб рус тилига таржима қилсангиз, аксар ҳолда “практика” бўлади).

Нима дейсизки, орадан бирор йил ўтиб-ўтмай, газеталарда “Борис Елциннинг юрагига амалиёт ўтказилди” деган хабарлар босилиб турибди-да! Шоввозлар “операция” энди “амалиёт” бўпти, деб тушунганга ўхшайди. Кейинроқ бу юмшатилиб, “жаррохлик амалиёти” дейила бошлади.

Аммо-лекин, одамлар қабул қилмаса, яъни нутқида ишлатмаса бекор. Ҳозиргача бирор киши тиббий операцияни “амалиёт” деганини эшитганим йўқ. Демак, қабул бўлмабди “операция”нинг ўзи тузуқ экан.

Тил ижтимоий ҳодиса, аммо сиёсий нарсаси эмас. Бинобарин, унга сиёсатни аралаштириш, тил жараёнини сиёсий иродига бўйсундириш маҳол. Тилга фармон бериб бўлмайди. Демак, қайси тилдан кирган бўлишдан қатъий назар, она тилига қабул қилинган ва қўлланяётган сўзларни “ҳайдаб” чиқариш ҳам имкондан хориж. “Ҳайдалган” ана шундай сўзлардан бири “станция”, яна бири “операция” бўлса, улар ҳам вақт ўтиб, худди бир пайлар янгилаб қўрилган, аммо ижобат бўлмаган “газета”, “журнал”, “радио”, “телевизор” сўзлари сингари ўзбек тили лексиконига қайтмапти.

Менимча, бунда бош йўналиш – ўзга тиллардан кириб келган ва атамаларимиз қаторидан ўрин олган ҳар битта сўзни шу ҳолича қолдириш ё алмаштириш масаласи кўриб чиқилар экан, бу сўз асли байналмилалми ё фақат бир тилдагина мавжуд бўлиб, ўзбекчага ана шу тилдан қабул қилинганим, дастлаб шунга аниқлаш керак. Башарти сўз халқаро бўлса, уни она тилимизда ҳам қолдириш, фақат бир миллат тилидан олинган бўлса, уни халқаро эквиваленти билан алмаштирган маъқул.

Жуда кўп атамалар кўп маъноли. Бу уларни иккинчи тилда қўллашда мушкулот келтириб чиқаради. Масалан, *позиция* – мавқе, *позиция* – нуқтаи назар, *позиция* – эгланган ер. Уларни бошқа тилда қўллашда хўшёр бўлиш керак. Чунончи, “фалон ҳарбий бўлимининг мавқеи” дейиш бўлинима эгланган позицияни эмас, шу бўлимининг полкдаги образини аналатади.

Ҳозир бизда реестр ҳам – *рўйхат*, *список* ҳам – *рўйхат* бўлиб кетган. *Копия*ни ҳам нусха деб айтаямиз, *экземпляр*ни ҳам. Яна бир ми-



сол: *направление* – йўналишдир, аммо *маршрут* – маршрутлғича қолгани маъқул. Йўқса, илмий аниқлик бой берилмай, тилнинг ифодавий имкониятлари кўпайиб ўрнига озаяди.

Энди авваллари Худонинг берган кунни ўн марта лаб эшитадиганимиз “*план*” сўзини олинг. Ҳозир “*режа*”, “*шартнома режаси*”, “*шартномавий мажбурият*” каби ғалати-ғалати шаклларида қўлланяпти. Аммо улардан ҳеч қайсиси, ўша қисқагина, қулай бўлган “*план*”нинг маъносини бера олмади, ҳеч ким (агар радиога интервью бераётган бўлмаса) тилини бираб, “шартномавий режани адо этдик” демайди.

Давлат тили тўғрисидаги қонун чиққанида асосий эътибор русийзабон аҳолига ўзбек тилини ўргатишга қаратилди. Сон-саноксиз текин курслар очилди. Аҳолининг нари борса беш фоизини ташкил этадиган русийзабонларга ўзбек тилида сўзлашишни ўргатиб қўйиш биланок лисонимиз давлат тили бўлиб қолмаганига ва бу хато иш бўлганига бугун шохидмиз. Давлатнинг миллионлаб маблағи ҳисобига бир-иккита “ўзбекча” сўз ўрганганлар бугун Россияда, Исроилу Канадага кетиб, у ёқдаги ўзбек тилини билмайдиганларга “*Нонни нанна дейдилар*”, деб ўргатиб юрган бўлса ҳам ажаб эмас.

Моҳиятан шу каби бошқа бир хато бугун давом этапти – қандай қилиб бўлса-да, атамаларга ўзбекча қўйлақ кийдиришга зўр бераямиз. Борингки, бир неча юз сўз ва атамани шу зайлда эмпаб-сеплаб “ўзбекча” қилиб олармиз. Аммо бу она тилимиз мавқеини оширишга эмас, ўзбек терминологиясини барбод қилишга олиб келиши тайин. Яна анойи бўлиб кутганимиз қолади.

Ўзбек тили давлат тили бўлишининг бор-йўғи иккита “*кичкина*” шарти бор: биринчидан, барча идора ва ташкилотларда давлат

тилида иш юритишигина эмас, ишлаб чиқаришни ҳам она тилимизга ўтказишимиз керак ва иккинчидан, давлат тилида иш юритиш сифатини тобора яхшилаш лозим. Бусиз қонун... қоғозда қола беради.

Биздаги тил мавқеига бир мисол. Асака автомашиналарнинг мутлақ кўпчилигини қоракўз ўзбегим сотиб олиб минади. Лекин бирорта машинанинг йўриқнома китобчаси ўзбек тилида эмас, бу китоблар – ҳар йили минглаб машинани сотиб олишга ваъда бериб, ўз юртига экспорт қилдириб, сўнг шунча харажатга чув тушириб, ортга қайтариб юборадиган мамлакатнинг давлат тилида.

Нега шунақа? Чунки шу завод раҳбарларининг ҳеч бири миллатпарвар эмас. Миллатпарвар бўлмаган одам ватанпарвар ҳам бўлмайди. Энди бу гапни ҳам исботлаш шарт эмасдир?

Тил – миллатни, халқни ва мамлакатни яхлит қилиб тутиб турадиган омил. Шундай экан, тилга қувват бериш миллатни, халқни қўллашдир, юртни қўриқлашнинг дубочасидир.



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИГА ХАВОЛА!

## Кўпригингдан айланай!

Пойтахтимиздаги “Ислом ота” (собик “Жўрабек”) масжиди ёнида қурилган ер усти йўлидан кимлар ўтяпти?



Мана шу суратларда аке этган манзарага жиддийроқ назар ташланг-чи: айнан Президентимиз ташаббуси билан биргина пойтахтнинг Фаргона йўли кўчасида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ экани шубҳасиз. Лекин мана бу ҳашаматли қилиб қурилган ер усти йўлини бир кузатинг. Кизиги, кўприк учун танланган бу жой нари борса жума кунларидагина, яъни жомеъ масжидида муборак жума намози ўқилиши туфайли бир-икки соат оралиғида гавжум бўлиши мумкин. Ўшандаям аксар одамлар эрингани учун йўлни тўппа-тўғри кесиб ўтишни маъқул кўришади. Қолган кунларда эса...

Ана энди халқ тилида айтганда, “*Рисовий*” (ажаб, интернетда ўрчисча номи турибди ҳалиям, масъуллардан сўрасак, қайсидир бозорнинг “*Фаргона шохобчаси*” деб изоҳ беришди) бозорчаси олдидаги энг гавжум чорраҳани кўринг. Мухтор Аиравий кўчаси ёки аксинча, аэропорт тарафга ўтаётган, савдо-сотик ва бошқа турли юмушлар билан банд йўловчилар ҳам айнан ана шу йўлни кесиб ўтишга мажбур. Хайриятки, светофорлар ишлаб турибди, эрталаб ва кечқурун “*пробка*” маҳали эса ЙПХчилар назоратида. Аке ҳолда, Худо кўрсатмасин, турли кўринишдаги ЙТХлар содир бўлиш хавфи юқори (бундай ноҳушиқлар учраб туради ҳам).

Бу билан нима демоқчимиз? Исталган ҳудудда ер усти йўли қуриш олдида тегишли идоралар мониторинг, ўрганиш таҳлиллари олиб боришади. Тўғрими? Унда нега Фаргона йўли кўчасидаги мана шу номувофиқлик инobatга олинмаган? Деярли саноклигина пидеа ўтиб-қайтадиган кўприк керакми? Нима учун аҳоли қатнови гавжум бўлган бозорча ёнида кўприк қурилмаган? Энди ким жавоб беради бу ҳақиқ саволларга?

Элёр НЕЪМАТОВ,  
“XXI asr” муҳбири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожддин САЙИД  
Адхам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ  
(Бош муҳаррир уринбосари)

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 1051 Адади: 5011  
Электрон обуна – 1355  
Баҳоиси келишилган нарҳда.  
Топширилди – 22:30

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,  
Маъруфжон Раҳмонов  
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Сардор МУСТАҒОЕВ